

ЙИЛБОШИ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЎРТДОШЛАР!

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

20-mart
2025-yil 11 (1 113)



O'ZLIDEP



Ҳаёт ҳикмати

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Янги Ўзбекистоннинг
бизнес салоҳиятини
оширишда биз сизларга
ишонамиз.
Бир нарсадан
кўнгилларингиз тўқ бўлсин:
Президент доимо
сизларга энг яқин кўмакчи,
таянч ва суюнч бўлади.
Сизлар янгилик қилишдан
чарчаманглар, мен қўллаб-
кувватлашдан чарчамайман.

21asr.uz

@XXIasr_yangiliklari

asrgazetasi

XXI_asr@mail.ru

xxlasrgazetas

XXIasrgazetas

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ҚАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, *Наврӯз!*



ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ: ТАРИХИЙ ТАШРИФ

ТАФСИЛОТ –
ТААССУРОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА
ҚИЛГАН ТАРИХИЙ ДАВЛАТ
ТАШРИФИНИ КУЗАТАРКАНМАН,
БЕИХТИЁР ЭСИМГА УЛУФ ШОИР,
ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ
АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ
“ТЕМУР ТИГИ ЕТМАГАН ЖОЙНИ
ҚАЛАМ БИЛАН ОЛДИ АЛИШЕР”
ДЕГАН САТРЛАРИ КЕЛДИ.
ЎЗИНИНГ БЕТАКРОР ВА БЕБАҲО
ИЖОД НАМУНАЛАРИ БИЛАН
ҲАЗРАТ НАВОЙЙ БУТУН ДУНЁ
МАДАНИЯТИГА УЛКАН ҲИССА
ҚЎШГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИ.

3


ДАРВОҶЕ:
Ҳозирги кунгача О'зLiDeP тизимидағи
жами 16 137 та бошлангич партия
ташкилотларининг 9 993 тасида
хисобот-сайловлари бўлиб ўтди.
Шундан 1 141 та БПТда янги раислар
сайланган бўлса, 8 852 тасида намунали
фаолият юритган етакчилар яна ўз
ўрнида қолди.



ФАРГОНАДА МАҲАЛЛА БАНКИРЛАРИ
қандай ишлайпти?



Миллиардларни хурсанд
қилаётган ҲУСАНОВ



6.

8.

5

ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ ОРТИДА МУНОСИБ ЭЪТИРОФ ҲАМ БОР

Юртимизнинг тупроғи зар, одамлари заргар дея, бекиз таърифланмаган. Бойиси, бу ерда пишиб етилган мева-сабзавоту полиз экинларининг таъми, шираси тилни ёради. Шунга кўра, ўзбек мева-сабзавотларининг жаҳон бозорида ҳам нуфузи айрича талабгир. Албатта, ҳосилни бекаму кўст, нест-нобуд қилмай етиштириб, йигиб олишда бобо дехқонлару фермерларимизнинг хизмати бекиёс.



Актам ХАИТОВ, Ўзбекистон фермерлар кенгаши раиси

ларини жорий қилишга омил бўлиб, фаол фермер ва дехқонлар ўртасида рақобатни ку-чайтиради. Бу эса иктисодий ўсишга, сифатли маҳсулотларни экспортга чиқарилишига вайчики бозорда рақобат муҳитига янада кенгайишига олиб кела-ди. Илфор фермерларни рафбатлантириш, қишлоқ хўжали-

Хабарингиз бор, сўнгги вақтларда янги тартиб асосида, пахта хомашёси биржа орқали сотилмоқда. Фаллачиликда ҳам бозор муносабатлари эвазига фермерларнинг даромади иккита бараварга ортган.

Аҳамиятли томони, селектор йиғилишида күтарилилган масалалар ўта жиддий ҳамда ушбу тармоқлар кесимида келгусида амалга оширилиши шарт бўлган ишлар кўлами ҳам оз эмас. Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганинде, асосий эътибор баҳорги экин-тикин ишларига, ҳокимликлар захирасида турган ерларни ажратиш тартибини соддалаштириш ҳамда қишлоқ хўжалигига унумдорликни ошириш, таннархни камайтириш, ҳаёт-мамотимиз бўлганин сувни тежаб-тергаб ишлатишга қаратилгани бекиз эмас. Олдинда эса катта мэрралар турибди. Биздан энди фақат вафақат фидойилик, мәжнатсе-

варлик талаб этилади.

Албатта, дехқоннинг меҳнатини қадрлаш унинг ўзи ишига бўлган меҳр-муҳаббатини янада юксалтиради. Элу юрт, Ватан равнақи, оиласи, маҳалласи ободлиги учун ҳалол тер тўкишга ундейди.

Ин маънода 18 марта

Шу маңнда 18 марта имзоланган фармонга бино-ан Тошкент вилояти Оқкүрғон туманидаги шахсий томорқа ер әгаси Тұлқинжон Мансуров томорқачиликни ривож-лантириш, сабзатчилик ҳамда асаларичиликни са-марали йүлга қүйиш, мүл ва-сифатли ҳосил етиштириш орқали ахоли фаровонлигиниң төз миндетшеге күштештес мүмкін болып келді.

таъминлашга қушаётган му-
носиб ҳиссаси, Хоразм вило-
яти, Хонқа туманидаги “Сул-
тонбой Ҳонимжон” фермер
хўжалиги раҳбари Эгамберди
Собиров эса қишлоқ хўжали-
ги соҳасидаги кўп йиллик са-
марали меҳнати, замонавий
агротехника усувларини қўл-
лаш орқали ҳудуднинг оғир
ва мураккаб шароитида экин
майдонларининг мелиоратив
ҳолатини яхшилаш, пахта ва
ғалла йўналишларида юқо-
ри ҳосилдорликка эришгани
учун “Дўстлик” ордени билан
мукофотлангани ушбу соҳа
вакилларини ғоят руҳланти-
риб юборди. Зеро, бундай ша-
рафли эътироф меҳнат ортида
ҳамиша рағбат турганлигини
исботлайди.

исоотгайди.

Яйловлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтақамизда экологик мувозанатни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда ахолининг турмуш даражасини яхшилашда асосий табиий манбалардан бири ҳисобланади. Шабабли эндилиқда яйловларнинг табиий шароити, контурлари тупроғи, ўсимликлар хилма-хиллиги, миқдори ва сув билан таъминланishi даражасини янада яхшилаш талаб этилмоқда.



ЯЙЛОВЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИ – **ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ**

Яйловлар мамлакатимиз умумий ер майдонининг 47 фоизини эгаллаган. Жами 21 млн гектар яйловнинг 50-70 фоизи турли даражада инқирозга учраган, 11 млн гектар яйловнинг табиий равишда ем-хашак ҳосил қилиш салоҳи-яти пасайиб, яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Чорва моллари кескин кўпайиб кетгани, алмашлаб боқиш тизими жорий этилмагани боис яйловлар катта босим остида қолган. Бунинг оқибатида озуқабол ем-хашак ўсимлик турлари сийраклашиб, йўқолиб кетиш хавфи юқори даражага етган. 4,2 млн гектар яйловда геоботаник тадқиқотлар ўтка-зилиб, деградацияга учраган майдонларнинг хариталари тайёрланган ҳамда 420 минг гектар шундай ерларни қайта тиклаш ва яхшилаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда ветеринария ва-
чорвачилик соҳасини ҳар томонлама-
ривожлантириш масаласи давлат сиё-
сати даражасига кўтарилиди. Президен-
тимизнинг 6 та фармони, 33 та қарори,
Вазирлар Махкамасининг 56 та қарори
б

Соҳани ривожлантиришда фан, таълим ва илмнинг ишлаб чиқариши билан узвийлигини таъминлаган ҳол-да маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва реализация қилишнинг хўжаликдан дастурхонгача тамойили асосида меҳанизм йўлга кўйилди ҳамда олдин бўлмаган вертикал бошқарув тизими ташкил этилди.

Чорва молларининг наслини яхшилаш, озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, чорвачилик маҳсулотларини етишириш, наслчилик-селекция, эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган инновацион услубларни жорий этишда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил

30 январдаги «Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишининг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тұғри-

жорий этиш чора-тадырлары түри-сида"ги фармони соҳани янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Мазкур ҳужжат билан яйловларни бошқаришга оид вазифа ва функцияларнинг Ветеринария ва чорва-чиликни ривожлантириш қўмитасига юклатилгани соҳада ягона вертикаль бошқарув тизимини амалга оширишга имкон яратди. Бир неча йиллардан бўён Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси тасарруфида фаолият юритиб келаётган Қоракўчлилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ва Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқаришмаркази ҳам эндилика Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тасарруфида фаолият юритиши белгиланди.

Ушбу фармонга кўра қўмита ра-
исининг чорвачилик ва яйлов хўжा-
лигини ривожлантириш масалалари
бўйича ўринбосари лавозими жорий
этилиб, унга яйлов ерларидан са-
марали ва мақсадли фойдаланиш,
муҳофаза қилиш, ўсимликлар таби-
ий плантацияларини яратишга қара-
тилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиши,
яйловларда ўсимликлар уруғчилиги-
ни ривожлантириш, яйлов ерларини
ижарага беришини ташкил этиши, шарт-
номавий муносабатларни мониторинг
қилиш, қоракўл зотининг генофонди-
ни сақлаш, такрор кўпайтириш ва та-
комиллаштириш, селекция-наслчилик
режаларини амалиётга татбиқ этиши
хамда инфратузилмаларни яхшилаш-
бўйича таклифлар ишлаб чиқиш каби
вазифалар юклатилди.

Ветеринария құмитаси муассис-лигіда давлат мұассасаси шаклида Қарақалпостон, Бухоро, Жиззах, Кашкадаръя, Навоий, Самарқанд ваз-

рида уйларида чорва моллари боқа-ётган юртдошларимизни қийнаётган муаммолар кўплигига гувоҳ бўлдик. Масалан, аксарият вилоятларда яйловлар етишмайди. Водий тарафларда-ку бу масала йил сайин оғирлашиб бормоқда. Лекин Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро каби яйлов майдонлари жуда катта бўлган вилоятларда ерлар чорвачилик йўналиши учун фермерларга, тасаввур қиласайлик, кам эмас, 49 йил муддатга фойдаланиш мақсадида ажратилган. Ҳақли савол туғилади: ана шу фермер хўжаликлари ушбу яйловлардан қай даражада самарали фойдаланмоқда? Халқона ибора билан айтганда, ана шу фермерларнинг давлатга, халққа қандай нафи тегяпти? Афсуски, уларнинг аксар қисми шахсий манфаатини ўйлаб фаолият юритмоқда.

Хўш, энди нима қилиш керак?
Депутат сифатида менинг
таклифим, биз бепоён деб ҳисобла-
ётган яйловларимизнинг қонуний

эгаси давлат ва халқ! Шундай экан, энди бу майдонлар бошқарувини қонунларимиз орқали назорат қилиш шарт. Олайлик, ҳозир катта-кatta қишлоқлар аҳолиси қарамоғидаги чорва моллари фойдаланиши мумкин бўлган яйловлар баъзи бир ўзбошимча, зўравон фермерларга тегишли экани ҳам сир эмас. Агар ана шу фермерга тегишли чорва моллари сонини ҳисобласангиз қишлоқ одамлари қийналиб боқаётган чорвадан бир неча ўн баробарга камлиги аён бўлади. Демак, масаланинг энг қалтис томони шуки, бу фермерларда “Бу яйловлар менини, ўзим хон, кўланкам майдон”, деган бемаъни тушунча аллақаҷочон шаклланган. Натижада бундайларнинг давлатга фойдаси эмас, аксинча, зарари тегаяпти, улар шахсий манфатидан бошқа нарсани кўзламаслиги аник.

Шундай экан, энди яйловларимиз фаолияти ва ҳолати бўйича ма-съул этиб белгиланган республика Ветеринария ва чорвачиликни ри-вожлантириш қўмитаси барча ху-дудларда шу вақтгача чорвачилик фермер хўжаликлари ташкил этиш учун белгиланган муддатларда фой-даланиш учун ажратиб берилган яйловлар бўйича холисона назорат таҳлили ўтказиб, аҳоли таклифла-рини ҳам пухта ўрганиб, жиддий ху-лосалар чиқариш фурсати етди. Бу эса юртдошларимизнинг иқтисодий имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.



**Рисқұл СИДДИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилік
палатасы депутаты,
О'зLiDeP фракцияси альянсы**

МУНОСАБАТ



ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ: ТАРИХИЙ ТАШРИФ

ТАФСИЛОТ – ТААССУРОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА
ҚИЛГАН ТАРИХИЙ ДАВЛАТ
ТАШРИФИНИ КУЗАТАРКИМАН,
БЕИХТИЁР ЭСИМГА УЛУФ ШОИР,
ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ
АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ
“ТЕМУР ТИҒИ ЕТМАГАН ЖОЙНИ
ҚАЛАМ БИЛАН ОЛДИ АЛИШЕР”
ДЕГАН САТРЛАРИ КЕЛДИ.
ЎЗИННИГ БЕТАКРОР ВА БЕБАҲО
ИЖОД НАМУНАЛАРИ БИЛАН
ҲАЗРАТ НАВОЙИ БУТУН ДУНЁ
МАДАНИЯТИГА УЛКАН ҲИССА
ҚЎШГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИ.

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг Елисей сарайидаги олий даражадаги учрашвиг чоғига Президент Эммануэль Макрона буюк француз ёзувчиси Виктор Гюгонинг ўзбек тилига тархими килинган “Кулайтган одам” романинг илк нусхасини совға қилгани барчамизни беҳад қувонтириди, руҳлантириди.

Бу ажойиб китобни қабул қилиб олар экан, Франция Президентининг юз-кўзлари кувонинг тўлди. Бу нодир совға ўзбек халқининг француз халқи ва унинг адабиёти, маданиятига қизиқишининг ўзига хос эҳтироми эди. Ушбу маънавий ҳадия воситасида Президентимиз жаҳонда рўй берабётган турли кўринишдаги зиддиятлар, муҳораба ва тўқнашувлар маънавиятисизлик, мәтирифат-сизлик оқибати эканидан бошқаларни яна бир бор огоҳликча чорлагани шубҳасиз.

Ана шу ташриф доирасида яна бир унунимас воеқа рўй берди: Францияниң Гретц-Арменвиль шахрида буюк аллома, бобокалонимиз Абу Райхон Берунийнинг библиотекаси очилди! Бу нимадан далолат беради? Бу – бизнинг заминдан шундай буюк олим ва мутафаккир етишиб чиққани ва у дунё миқёсида эътирофу эъзозга сазовор бўлганинг исботи эмасми? Демак, бундай юксак эътибордан барчамиз, айниска, навқирон авлод вакиллари фарҳланмоғи баробарида янада кўпроқ изланиб, илм-маърифат чўққипарини эгаллаб, улуг аждодларга муносиб ворис бўлмоқга интилиши лозим.

Эслайлик: иккى давлат лидерлари 2023 йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шахрида учрашганида бир катор соҳалар бўйича ўзаро келишувларга эришилган эди. Бу галги ташриф давомида ана шу ҳамкорлик самаралари кўзга ташланадиган мамнуният билан эътироф этилди. Бунга иккى давлат ўртасида ўтган юли тобар айирбошлиш ҳажми 1 миллиард еврондан ошганини мисол қилиб келтириш мумкин. Кўшма корхоналар сони ҳам муттасил кўпайб бормоқда. Тибиёт, фан, таълим, маданият ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юқори босқичга кўтарилимоқда. Ўтказилган кўшма тибиёт форуми ҳамда фан ва таълим бўйича конференция, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва маданиятига бағишланган таҳдидотларда бу ҳадда айтиб ўтилди.

Албатта, иккى мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг тобора кучайиб бораётгани эътиборга молик. Маса-



ги иктисадий алоқалар, балки маданий, маърифий, фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларда ҳам мустаҳкам дўстлик ришталари бояланмоқда. Демак, Шавкат Мирзиёев мамлакатни дунёга танимтоқда, дўстлаштиromoқда, бирордлаштиromoқда. Бу биз учун катта имконият ва рағбат ҳисобланади. Шундай экан, биз бу келишув ва аҳномаларни самараали ўйла қўйишда ўз билим ва салоҳиятимизни ишга солисизмиз шарт. Айниска, ёшларимизни бошқа халклар маданиятини ҳурмат килиш, хорижда рўй берабётган юксалиши ва тараққиётни чукур ўрганиб, ўзимизда жорий этишга илҳомлантиришимиз жуда зарур.

Давлат раҳбарининг Францияга ташрифи давомида Ўзбекистон – Франция универсitetini ташкил этишиб тўғрисида хукуматлараро битим; ташкил ишлар вазирliklariining 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастuri; 2026-2030 йилларда Франция тараққиёт агентлигига билан ҳамкорлик дастuri; халқaro ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик тўғрисида декларация; соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация; француз тилини ўқитишини кенгайтириш тўғрисида байдонна; мусиқа, кино ва театро соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида декларация; Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан Франция Маданият вазирligi, Маданий мерос милий инститuti ва Марказий Осиё тадқиқотлари инститuti ўртасидаги ҳамкорлик битимлари, Тошкент ва Париж шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида байдонна ва бошқа иккى томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Иккى давлат етакчилари имзолаган бу аҳдашувлар замонида улкан салоҳият мужассам. Ана шу ҳужжат-

**Елисей
сарайидаги қабул
маросимида Франция
Президенти ўз
чиқишида**

**“Яшасин Ўзбекистон!
Яшасин Франция!
Яшасин Франция –
Ўзбекистон дўстлиги!”
деган сўзларни ўзбек тилида
ирод қилганида миллионлаб
юраклар ҳаяжонга тўлгани
рост. Бу самимий даъват
замирида, энг аввало,
ўзбек халқига,
қолаверса,
ўзбек тилига,
унинг Президентига
бўлган гўзал
эҳтиром ҳисси ётиди,
десак янгишмаймиз!**

сидаги дўстона алоқаларнинг абадиятга дахлдорлигининг исботидир.

Ушбу ташриф давомида ҳалқимиз фахрланса арзидиган яна бир унтилмас воқеага гувоҳ бўлдик: Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шаҳри мэри Анн Идаљо билан учрашувда **Париж кўчалари**дан бирига **Самарқанд номи берилганини тантанали равишда эълон қилди!** Тасаввур қилинг, олис Европанинг юраги ҳисобланган Париж шаҳрида Самарқанд кўчаси! Бу ҳар бир юртдошимиз қалбини фахру ифтихорга тўлдиради, албатта. Ваҳоланки, дунёга маълуму машҳур бўлган Самарқанд будун яна дунё миқёсида тан олинимоқда, танимоқда. Бу ҳам ортизмизнинг дунё билан бўйлаштаганига аниқ бир далиллар.

Президент Шавкат Мирзиёев Франция билан савдо-иктисодий алоқаларни янада кенгайтириш мухимилигига алоҳида урғу берди. Франция компаниялари билан 2027 йилгача бўлган даврга мўлжалланган инновацион ва саноат кооперацияси дастuri йўлга кўйилади. Унга умумий қиймати 6,5 миллиард евро бўлган аниқ йўналиши ва лойиҳалар киритилади.

Дастурга Францияning етакчи банк ва молия ташкилотлари фаол жалб қилинади. Давлатимиз раҳбари мухим минерал ресурсларнинг истикболли конларни узлаштириша уларни чукур қайта ишлаш, курилиш материаллари, кимёв архивларни ташкил этишини Ўзбекистон – Франция иштирокидаги олий алоқаларнинг мантиқий давоми десак, муబалаға бўлмайди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлслак, 1402 йилда Франция қироли Карл VI Амир Темур билан мустаҳкам сиёсий алоқаларни ўрнатишга интилгани мъйлум. Улар ёзишмаларининг бир қисми Франция ҳужжат архивида сакланади. Мазкур мактубларда Амир Темур қиролнинг Шарққа нисбатан сиёсатини кўллаб-кувватлаган ҳолда, ўз давлати билан Франция ўртасида савдо-сотиқ йўлга кўйилishi катта аҳамиятга эга эканига эътибор каратади. Бу эса Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқалар узок тарихга бориб тақалишидан далолат беради. Президентимизнинг ушбу давлатга давлат ташрифи ҳам ўша азалий алоқаларнинг мантиқий давоми десак, муబалаға бўлмайди.

Франция қироли Карл VI ва Амир Темур ўртасидаги хурмат ва эҳтиром буғунги Президентлар ўртасида ҳам давом этмоқда. Бунга **Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёеви Фарҳий легион ордени билан тақдирланганни** яққол мисол бўла олади. Юксак мукофотни давлатимиз раҳбарида Франция Президенти Эммануэль Макрон тантанали равища топширас экан, иккى мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқаримиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англешувни мустаҳкамлашга кўшган улкан ҳиссасини эътироф этди. Биламишки, Фарҳий легион ордени 1802 йилда таъсис этилган бўлиб, Францияда ушбу орден алоҳида хизматларнинг давлат даражасида эътироф этилиши ва шон-шарафни энг юқори белгиси ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти ушбу юксак мукофот учун Франция раҳбарида самимий миннатдорлик билдириган келишув бу битимлар иккى мамлакат иктисадиёти ва ижтимоий ҳаётини яхшилашда ҳамда янгилашда мухим аҳамиятни алоҳида таъкидлadi.


Франция Президенти Эммануэль Макрондан XIX аср охирида француз фотографи Поль Надар ижодига мансуб **Жиззашдаги табиатни ўзаро суратни қабул қилиб олар экан**, Шавкат Мирзиёев фарҳ билан **“Бу менинг Ватаним!”** деди. Бу ноёб совға тарихий аҳамиятга эга. 1890 йилдан Туркистонга саъёҳ сифатида келган француз фотографининг тарих саҳифаларига муҳрланган ушбу суратнинг асрар авайлаб саклангани алоҳида мавзу. Лекин ана шу мероснинг бисга тақдим этилганни иккى мамлакат, иккى халқ ўтари-



лар орқали қанчадан-қанча ишбилиармонлар ўз сармояларини тикиб, элу юртга хизмат қиласи. Янгидан-янги корхоналар очилди, минглаб иш ўрнинлари яратилиди. Энг мухими, фақат бу эмас. Асосийси – Ўзбекистонни Европада кўллаб-кувватловчи, унга дўст тутинган давлатлар сафи янада кенгайтиришади. Бу эса юртшимиш олий бораётгани очиқ ва прагматик сиёсатни алоҳида наунасиади.

Шу йилнинг ўзида Тошкентда Ўзбекистон – Франция университети очиладиган бўлди. Француз тили ўқитувчиларни тайёрлашда ҳамкорлик йўлга кўйилади. Эндиликда Париж шаҳriga бориши янада осонлашади. Тўғридан-тўғри авиақатновлар сони кўпайтирилади.

Кўрпизими, Президентимизнинг Францияга давлат ташрифи орқали нафақат иккى мамлакат ўртасида



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Конунчиллик палатаси Фан,
таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари
қўймитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

ТАХЛИЛ

Кечагидек эсімда, ўтган йилнинг 18-20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталарининг сайловдан кейнгі биринчи мажлислари бўлиб ўтди.

“Парламент – халқ ўйи! Депутат ва сенаторлар – халқ хизматчиси!” гояси остида ўтган ушбу йигилиларда Президентимиз Шавкат Миризёев иштирок этди ва нутк сўзлади.

Давлатимиз раҳбарни жараёнда барча идора ва ташкилотлар, масъуллар ва ижро органларининг фаолияти, мамлакатимиз ижтимоний-сийесий ҳаёти, иқтисодий мусоносабатлари, халқаро алоқалари, одамларнинг қуандалик турмуш тарзига доир устивор вазифаларни беғлилаб берди.

Ўтган уч ойдан ортиқроқ давр давлат раҳбарининг ушбу мажлислардаги нутқлари бутун жамиятимиз, барча мусассаса ва ташкилотлар, жумладан, O'zLiDeP фаолияти учун ҳам дастурламал вазифасини бажараётганини яққол намоён қилди.

Президент таъбири билан айтганда, “Мамлакатимиз ўз олдига кўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга ошириша, барча бўғинчада ташкилотлар зинмасидаги масъулият ҳозирги мурakkab замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда”. Бунда, аввало, ҳар қандай фаолият, барча ўзаригина янгиланишлар, истиқболи ислоҳотларнинг самараасига эришиш, кўрга киритилган натижаларни мустахкамлаш мазкур субъектларнинг энг муҳим вазифаси эканига алоҳида эътибор қаратилганинг беъз исраси.

Қонун лойҳаларини пухта ишлаб чиқиш, уларнинг ҳаётлигиги ва тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш жуда муҳим. Серо, юрт бошимиз таъкидлаганидек, мамлакат фаронлигига бир марталик қарорлар билан эмас, факаттини мұқнұлар билан эришиш мүмкін. Албаттa, бу жаҳбада одимизда катта вазифалар турибди. Биз ўз устимизда доимий ишламишмиз, билим ва малакамизни ошириб боришмизимиз зарур. Шундагина қабул қилинётган қонунларнинг сифати ва самараадорлигини таъминлаштириш эриши оламиз.

Қонунларни кодификация қилиш бўйича ҳам бир қатор вазифалар белгиланди. Сайловодди тарғиботи даврида ҳам гувоҳи бўлдикли, 5 та сиёсий партия дастурларида муайян соҳани тартибига солувчи ҳужжатларни бирлаштириш ва тизимлаштириш орқали яхлит кодексларни қабул қилиш ташабbusларни илгари сурилди. Энди келгуси беш йилда ушбу мақсадларга эришиш учун астойдил ҳарқатат кимозимизсиз лозим.

Қонунларни муҳокама қилишнинг янги меҳанизмларни жорий этиш зарурлиги буғуни кун талаби хисобланади. Қонун ижодкорлиги жараёнинг маҳаллий қенгашларни кенг жалб килиш.



рини инобатга олиш муҳим. Қонун ҳужжатларида маҳаллий ва умумдавлат манфаатларини лозимлиги шубҳасиз. Шу маънода эндиғина бошланган беш йилликдаги O'zLiDePning фаолиятида қонун ижодкорлиги ва парламент назорати жаҳаёнiga ҳалқимизни кенг жалб қилиш, ҳукумат соати институти фаолиятини кучайтириш ва бунинг учун рақамли технологияларни жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жиҳатдан қонунларни сифати, парламент назорати ва сайловчиларни учрашувлар самараадорлигини янада ошириш зарурлигига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан пайтда парламент ва депутатлар сўюнининг таъсиранлигини ошириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Сўнгги ийларда мұхим қарорлар қабул қилинча фуқароларнинг иштироқини таъминлашга оид ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, “Meneng fikrim” маҳсус веб-портални орқали Олий Мажлис палаталари, маҳаллий қенгашларга электрон жамоавий мурожаат қилиш тартиби жорий этилди. Шу билан бирга, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойҳаларни мұхокамаси портала “Regulation.gov.uz” ҳар бир фуқарога ҳуқук ижодкорлиги жараёндани қатнашып имконини яратиб берди. Демократик жараёнлар таъсирида сайловчи ва де-путатнинг ўзаро мусоносабатларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш давр таълими.

Буғунги ислоҳотлар даврида депутатларимизнинг ислоҳотларда етакчи куч бўйлиб майдонга чиқиши зарур. Президентимиз “Депутат бу ҳалқ хизматчиси, барчага ўннак була-

диган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсонидир. Оила, маҳалла ва бутун жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжатлик мухитини мустаҳкамлаш, ҳалқаро майдонда Узбекистон манфаатларни кечтий ҳимоя қилинча ҳалқимиз, барчамиз аввало сизларга таянамиз”, дега таъкидлагани бежиз эмас.

Депутат ўз маънавияти ва аҳлоқи, юриш-турниши, одоби ва маданияти билан барча ўнрак бўлиши лозим. Бу жиҳатдан қонунларни сифати, парламент назорати ва сайловчilарни учрашувлар самараадорлигини янада ошириш зарурлигига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан пайтда парламент ва депутатлар сўюнининг таъсиранлигини ошириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Фуқароларнинг қонунчиллик тақлифларини кўйи палатага киритиш жараённинг тўлиқ рақамлаштириш, электрон овоз бериси тўлиқ имконияти яратилиши ҳамда Қонунчиллик палатаси ҳузурда Жамоавий ташабbusлар бўйича парламент комиссияси тузилиши, қонун лойҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ишига сўнгий интеллектни жорий қилиши каби янгиликларни кутилган натижаларни бериси мумкин. Ушбу янгиликлар ислоҳотларнинг ташабbusкору сифатида ҳалқимиз ўз келажаги, орзу-мақсадларни рўёбга чиқариши учун муҳим қарорлар қабул қилинча, жамиятдаги мусаммоларга ўз вақтида ечим излашда тўғри-

дан-тўғри иштироқ этиши учун шароит яратади ҳамда қонунларнинг ҳаётий ва самараали бўлишини таъминлашади.

O'zLiDeP, айниска, депутатларимиз томонидан ҳозиргача парламент эътиборидан четда қолиб кетаётган айрим масалалар, яни тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар улуши камлиги, депутатлик назорати институти имкониятларидан тўла фойдаланимаётгани, сайлов округларидаги учрашувлар эса шикоят ва саволларга жавоб бериси билан чекланётгани каби кемтикликларга барҳам бериси зарурати алоҳида ургуламоқда.

Фуқароларнинг қонунчиллик тақлифларини кўйи палатага киритиш жараённинг тўлиқ рақамлаштириш, электрон овоз бериси тўлиқ имконияти яратилиши ҳамда Қонунчиллик палатаси ҳузурда Жамоавий ташабbusлар бўйича парламент комиссияси тузилиши ушбу соҳадаги ислоҳотлар самараадорлигини оширади. Факат бу борада шаффоғлиқ ва қонунчилликни қафолатлайдиган самараали тизим яратиш давр талабидир.

Қиёнем НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Янгиланган Конституциямизга кўра, давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга ошириш. Қонунчиллик палатасининг мутлақ ваколатига киради. Шу бос палатанинг бу борадаги ишини янада кучайтириш, жумладан, ҳукуматнинг давлат бюджетига доир барча хисоботларини палатага фекат бюджет кодексида белгиланган аудит ҳуласаси билан биргаликда киритиш амалётига ўтишда депутатларимизнинг фаоллиги жиддий аҳамиятга эга.

Инвестиции дастурларни тайёрлашда депутатлар ҳам иштироқ этадиган, упарничинг фикри инобатга олинадиган тизим яратиш зарурлиги кун тартибига чиқди. Бундан ташқари, худудларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида келгуси йилдан ер, моли мулли ва айланма соликларни тўлиқ, даромад солигининг эса камиди 50 физони туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда.

Фуқароларнинг ташабbusларини фалқулаб-куватлаш мақсадида Қонунчиллик палатаси ҳузурда Жамоавий ташабbusлар бўйича парламент комиссияси ташкил этилиши ҳам партиямиз фаоллари ва депутатларини муз учун мумхин амалёт майдони бўлади.

Эндиликда вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларига ҳожимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган раислар раҳбарлик кирадиган давр бўшланди. Кенга сўрови ва суриштируви каби янги механизмлар орқали худудига ижро органлари фоалиятни устидан назорат ўтишадига кечайтирилмоқда. Айнан шу соҳада ҳам O'zLiDeP ва унинг вакиллари зинмасида улкан вазифалар турибди.

Яна бисалса: партиямиз фаолиятининг роли ва амалий таъсиранлигини ошириш мақсадида коррупцияга қарши курашади парламент назоратни кучайтириш ва бу жаҳонга бутун жамиятни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Бу жиҳатдан, парламентдаги O'zLiDeP фракцияси давлат идораларининг коррупцияга қарши курашиши борасидаги фаолиятига баҳо бериди, раҳбарларнинг жавобагарлиги масаласини ҳукумат олидига кўйиши жуда ўрнини амалий ташабbus бўлади.

Маҳаллий қенгашларга қоррорларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш масъулиятни юқлатилиши соҳадаги ислоҳотлар самараадорлигини оширади. Факат бу борада шаффоғлиқ ва қонунчилликни қафолатлайдиган самараали тизим яратиш давр талабидир.

ҚУЙИ БЎГИНЛАРДА

Депутатни яна раисликка сайлашди

Дарёлар ирмоқлардан бошланади, дейишади. Ирмоқлар қанчалик кўп ва серсув бўлса, дарёлар ҳам шунчалар азим бўлади.

Шу маънода айни кунларда партия ҳаётидаги муҳим жараён – куйи бўғинлардаги хисобот сайлов жараёнлари ҳам худди

иша ирмоқлар ҳаракатига ўхшайди. БПТ фасоллари O'zLiDeP сайловолди дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни аҳолиётасида қонун ижодкорлиги жараённинг тартиби этиши, сиёсий куч фаолияти ҳақидаги аҳборотларни етакчи, электротарот манфаатларини химоя килиш билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдарни, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратишадиги ифратли, албаттади.

Шароф Рашидов туманинда ҳозирги кунда 13 060 нафар маслаҳотимизни бирлаштирган 126 та БПТ фасолиёт юритмоқда, – дейди партия туман бўлими аппарат раҳбари Ғанишер Аввалибов. – Эътиборли жиҳати, ҳалқ депутатлари туман кенгашидаги 12 нафар O'zLiDeP депутатлари гурухи яъзосининг барчаси куйи бўғинлар билан доимий ҳамкорлика ишлайди.

Ўзининг намунали ишлари билан танилган ҳалқ ноибларидан

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, “XXI asr” мухбари



“UZBEKISTAN GTL” МЧЖга тажриба алмашиш учун

Янги Ўзбекистонимиздаги глобаллашув шароитида юксак салоҳиятли, масъулиятли, ракобатгардош кадрларни тайёрлаш ҳар қачонгидан долзарб масалалага айланган. Ҳар қандай корхонани барқарор фаолияти олиб бориши иктидорли ва билимдом кадрларга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

“Uzbekistan GTL” МЧЖда бўлишиди. Ўзаро мулокот жараённада харидлар, маҳсулотларни сотиш ва маркетинг хизмати, ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш, иш ҳақи, персонални бошқариш, кадрлар тайёрлаш, автоматлаштириш

борасида фикр алмашиши. Ходимларнинг назарий ва амалий билимларини ўйғуллаштириш мақсадида ўтказиладиган бундай тажриба алмашивлар икки корхона ўтсасидаги ҳамкорликини яхшилашиб қолмасдан, ишлаб чиқариш жараённинг сифати ва самараадорлигини оширишга ҳам хизмат килади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбари



“ИШБИЛАРМОН АЁЛ”

10 ЙИЛ ИЧИДА БУТУН МАМЛАКАТНИ ҚАМРАБ ОЛДИ

Халқымизда “Ўғил боланинг илм олиши – бир кишига, қыз боланинг ўқитилиши эса бутун жамиятга таълим бериш билан тенг”, деган накд бор. Дарҳақиқат, аёллар жамиятда қўплаб ролларни бажаради: она, уй бекаси, ўқитувчи, шифокор, сиёсатчи, тадбиркор.

Ўзбекистонлик аёлларнинг ишбилирмонлик ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятига рағбатлантириш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, раҳбарлик соҳасидаги мудавфақиятларни оммалаштириш, мустақил бизнес очиши борасидаги ижтимоий ташабbusларини кўллаб-куватлаш ва бошча қатор имкониятларини юзага чиқаришга кўмак берувчи “Ишбилирмон аёл” танлови ташкил этилганига ўн йил тўлди!



Ушбу сана муносабати билан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия ўқимтасида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, фаоллар, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гурӯхлари аъзолари ҳамда ушбу лойҳанинг ташкилий ўқимтаси аъзолари – ҳамкор ташкилотларининг ваколатли вакиллари, мутахассис-экспертлар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

